



EZGU FIKR, EZGU SO'Z, EZGU AMAL!

27-IYUN – O'zbekiston matbuot va ommaviy
axborot vositalari xodimlari kuni

ILM SARCHASHMALARI

AL-XORAZMIY NOMLI
URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING
ILMIY-METODIK JURNALI



2015-6

MUNDARIJA**YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI – AMALDA**

C.Давлетов. Ёшларга оид давлат сиёсати – жамият тараккёти омили.....	3
---	---

MATEMATIKA

U.Sobirov, J.Abdullayev, G.Xudayberganov. Iteratsiya usuli bilan ba’zi transsident tenglamalarni yechish.....	7
--	---

M.Vaisova, N.Vaisova, B.Yusupov. Shtols va Tyoplitsa teoremlarining tatbiqlari.....	11
--	----

TIBBIYOT

Д.Маткаримова, Ш.Юсупова, Д.Якубов. Характеристика особенностей гемостаза и гуморального иммунитета при иммунном микротромбоваскулите и тромбоцитопении у допризывников в регионе Приаралья.....	17
---	----

BIOLOGIYA

X.Bekchanov, F.Sattarova, M.Bekchanova. Xorazm viloyatidagi zararkunanda tunlamlarga qarshi uyg‘unlashgan kurash chora-tadbirlari.....	21
---	----

IQTISODIYOT

M.Ro‘zmetov, S.Norboyev, F.Abdullayev. O‘zbekistonda ichki turizm rivojlanish holati va tahlili.....	25
---	----

TARIX

Э.Раджапов. Сўнгги Кўқон хонининг ҳарбий набираси ёхуд Сайид Азаматбек Худоёрхоновнинг ҳарбий фаолиятига назар.....	29
--	----

TILSHUNOSLIK

Ш.Ганиева. Фразеологизмларни таянч компонентлар асосида моделлаштириш масалалари.....	33
--	----

М.Абжалова. Матнларни автоматик таҳрир ва таҳдил қилиш дастурининг лингвистик тъминоти манбалари.....	36
--	----

Д.Рустамова. Борликнинг лисоний тасвири миллийлик кўзгусида.....	39
---	----

Ш.Мустанова. Аналитик курилмаларнинг феълли компоненти тавсифи.....	42
--	----

ADABIYOTSHUNOSLIK

S.Matkarmova, Y.Sabirova. Iskandar – yangi tipdag‘i valiahd.....	47
---	----

М. Жамматова. “Лайли ва Мажнун” достонининг Умар Бокий вариантида адаб маҳорати.....	51
---	----

Ш.Шакирова. XIX аср Хоразм таржима мактабида Бобоҷон Саноийнинг таржимонлик маҳорати.....	55
--	----

ILMIY AXBOROT

З.Аллаберганова, З.Матякубова. Қонуниятларнинг статистик характери.....	60
--	----

Д.Рустамов. Яна тил ва маданият муштараклиги ҳакида.....	63
---	----

Ш.Хожанов. Коракалпок тилида феъл антонимларнинг семантик гурухлари.....	67
---	----

М.Равшанов, О.Асланова. Агиология – культ умершего.....	71
--	----

Н.Мухаммедова. Роман Margaret Drabble “Ведьма из эксмура” – сюжет, “подсказанный” Братьями Гrimm.....	75
--	----

PEDAGOGIKA

E.Eshchanov, I.Xudayberganov, M.Yaxshimuratov. “Kimyo” fanini o‘qitishda fanlararo aloqadorlikdan foydalanishning o‘ziga xos xususiyatlari.....	80
--	----

Н.Собирова. Умумтаълим мактабларининг V синфларида Гафур Гулом ҳаёти ва ижодини ўрганиш.....	84
---	----

Л.Худайқурова. Таълим-тарбияда маънавий-маърифий дунёқарашнинг ўрни.....	88
---	----

U.Sobirov, G.Xudayberganov, J.Abdullayev. Akademik litsey va kollejlarda geometrik masala yechish bo‘yicha analogik-yondashuv usuli.....	91
---	----

J.Ermetova, Sh.Atadjanova. Challenges and reasons of professional development for english language teachers.....	95
---	----

TARIX

Эркин Раджапов (ЎзР ФА Тарих институти)

СҮНГИ ҚҰҚОН ХОНИНИНГ ҲАРБИЙ НАБИРАСИ ЁХУД САЙИД АЗАМАТБЕК ХУДОЁРХОНОВНИНГ ҲАРБИЙ ФАОЛИЯТИГА НАЗАР

Аннотация. Мақолада муаллиф сұнгги Құқон хони Сайид Мұхаммад Худоёрхонинг ҳарбий набираси Азамат Худоёрхонов (1888–1938) шахсини оғзаки тарих усули ҳамда мавжуд шілмій адабиётлар асосыда тәдқиқ этган.

Аннотация. В данной статье автор анализирует личность внука последнего хана Кокандского ханства Сейида Мухаммада Худаярхана (1831–1884) Азамата Худаярханова (1888–1938) на основе материалов устной истории и научной литературы.

Annotation. In this article the author has analyzed the identity of military grandson Azamat Khudayarkhanov (1888–1938) of the last khan of Kokand khanate Sayyid Mukhammad Khudayarkhan (1831–1884) based on the materials of oral history and scientific literatures.

Калит сұзлар: Құқон хонлиги, Худоёрхон, Мұхаммад Аминбек, Пұлатхон құзғолони, ҳарбий топография, генерал-губернатор, совет қоғамияты, Туркестон фронти, Амир Олимхон.

Ключевые слова: кокандское ханство, Худаярхан, Мухаммед Аминбек, восстание Пулатхана, военная топография, генерал-губернатор, советское правительство, Туркестанский фронт, Эмир Алимхан.

Key words: Kokand khanate, Khudayarkhan, Mukhammad Aminbek, Pulatkhon's revolt, military topography, general-governor, Soviet government, Turkestan front, Emir Alimkhan.

Құқон хонлиги 1876 йил 19 февралда чор Россияси томонидан тугатилға, сұнгги Құқон хони Сайид Мұхаммад Худоёрхон (1831–1884)нинг авлодлари Колпаковский бүйрүғи билан Тошкентта юборилған. Бир вактлар улкан хонликнинг пойтахти саналған Құқон шаҳри ҳамда Фарғона водийси атрофида Худоёрхоннинг авлодлари, умуман, колдирмалған. Худоёрхондан:

- 1) Насриддинбек (руслар томонидан хонлик босиб олинға, Владимирга сурғун килған);
- 2) Сайид Мұхаммад Аминбек;
- 3) Сайид Мұхаммад Умарбек;
- 4) Сайид Мұхаммад Насрулло (Үрмонбек);
- 5) Сайид Мұхаммад ибн Яминбек;
- 6) Фансуруллобек каби фарзандлар колған бўлиб, бу фарзандлардан 5 таси 1880 йилгача ҳаёт бўлған. Худоёрхоннинг тўртинчи фарзанди Сайид Мұхаммад Аминбек (Сайид Мұхаммад Аминбекнинг касбий фаолияти ҳарбий бўлған) ва унинг иккинчи завжаси Омонхон пошшадан 1888 йил 20 июляда ўғил фарзанд дунёга келди. Янги туғилған собиқ хон набираси Сайид Мұхаммад Аминбекнинг Омонхон пошшадан тугилған тўртинчи фарзанди бўлиб, чақалокқа Сайид Мұхаммад Азаматбек деб исм қўйдилар.

“Сайид Мұхаммад Азаматбек хон авлодига мансублиги сабаблими, отаси унинг тарбиясига алоҳида эътибор берган ва шу сабабли жуда истеъоддли, зеҳнли бўлиб вояга етган. Сайид Азамат Худоёрхоновнинг отаси ўз вактида Мұхаммад Солиххўжа Тошкандинийнинг “Тарихи жадиди Тошканд” асарининг босилишига ҳомийлик килған, муаррих (Мұхаммад Солиххўжа Тошкандий) ва бу оила ўртасида жуда яқин дустона алоқалари мавжуд бўлған. Ушбу дўстлик алоқалари сабабли Мұхаммад Солиххўжа Тошкандий кеинчалик Сайид Азамат Худоёрхоновга ислом дини асослари, тарих, хуқук фанларидан таълим беради”, дега маълумот беради сұнгги Құқон хони Сайид Мұхаммад Худоёрхон-

нинг чевараси Шохрух Умаров.¹ Аммо тарихчи олим Ү.А.Султоновнинг “Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидай Тошканд” асари” номли китобида келтирилган маълумотларга кўра, Муҳаммад Солиххўжа билан Худоёрхон, дастлаб, 1870 йилнинг январида Қўконда Миён Бузрукнинг дафн маросимида учрашган. Худоёрхон фарзандлари ва Муҳаммад Солиххўжа ўртасидаги дўстона муносабатлар Худоёрхоннинг Пўлатхон кўзголони натижасида Тошкентга кўчиб келиб, Муҳаммад Солиххўжанинг қўшини бўлган Ўтаббой күшбеги уйига жойлашган вақтдан бошланган. Муаррих Худоёрхоннинг ўғли Насриддинбекнинг якин кишиси бўлган.²

Худоёрхон авлодлари Тошкентга кўчирилган махалда улар Ниёзбек қальасига кўчирилган бўлиб, бу ерда турли миллат вакиллари қатори, рус миллатига мансуб аҳоли ҳам яшаганлиги сабабли Сайид Азаматбек Худоёрхонов рус тилини мукаммал ўзлаштиради. Собиқ хон набираси, дастлаб, рус-тузем мактабига, кейинчалик, Тошкентдаги гимназияга ўқишига борди. 8 ёшидан Оренбургга кадетлар корпусига таълим олиш учун борди. Оренбургда 2 йиллик таълим жараёнида у рус-славян тили ва ёзувини мукаммал ўзлаштириб, ҳарбий фанлардан тактика, ҳарбий топография, артиллерия, балистика, ҳарбий куроллардан фойдаланишини чуқур ўрганди, ҳарбий амалиётларда иштирок этди. 1907 йилда Оренбургдаги 2-кадет корпусини тамомлагач, 1909 йилда унга кичик зобит – поручик унвони берилди, кичик зобит поручик сифатида юкори Удинск Сибирь Мортир дивизионида уч йил хизмат қилди. 1909 йилда эса Александровск ҳарбий билим юртини тамомлаб, дастлабки ҳарбий фаолиятини 2-Сибирь полкida бошлаган. 1912 йилда Тошкентга қайтиб, бу ерда ота-онаси билан бир оз муддат тургач, Олмаотага бориб, 1-Туркистон артиллерия дивизи-онида командир вазифасида хизмат қила бошлайди.³

I Жаҳон уруши бошлангач, Сайид Муҳаммад Азаматбек 1914 йилда фронтга келган ҳамда Ғарбий фронтда немис қўшиниларига қарши жангларда қатнашган. Юқори дараҷадаги ҳарбий фаолияти ва ҳарбий топширикларни аъло даражада олиб борганилиги сабабли, Георгий хочи билан тақдирланиб, штаб капитани даражасигача кўтарилиган.⁴

А.Худоёрхонов I Жаҳон уруши тугагач, 1917 йилда Тошкентга қайтади. Туркистон генерал-губернатори Куропаткин уни адъютант этиб тайинлайди. Қизил қўшин сафида 1920 йилда вазият тақозоси билан Бухоро фронтида артиллерия дивизионинг командири сифатида Бухоро амирлигига қарши ҳарбий ҳаракатларда иштирок этди. Бухоро фронтида кўрсатган жанговар жасорати учун артдивизион командири А.Худоёрхон дивизионнинг ҳарбий комиссари А.Казаков, командирлар И.Бахиров ва Н.Мухторовлар билан бирга тақдирланидилар.⁵ 1922 йилда эса у Туркистон фронти артиллерия бригадасининг бошлиги этиб тайинлангач, ўзбек кавалерия бригадаси билан биргаликда Фарғона фронти (Бувайда, Серова (хозирги Бағдод тумани), Риштон)да куролли қаршилик ҳаракати вакилларига қарши жангларда қатнашишга мажбур бўлган.

1922 йилларда Азамат Худоёрхонов Фарғона фронтида жанг қиласига пайтда ҳам унинг устидан чакув уюштирилган ва унинг иши Евдокимов раҳбарлигига Т.Ўрзобеев, С. Олимхўжаев, И.Охунов, М.Абдуллаев иштирокида ҳарбий-инкилобий трибуналда кўриб чиқилиб, далилилар асосида унинг айбисиз эканлиги исботланган. Сайид Муҳаммад Азаматбек 25 ёшида етук профессионал ҳарбий бўлиб етишиди.

У Чор Россия мустамлакачиларига нисбатан ишончсизлик билан каарар эди, сабаби

¹ Ахборотчи Шохрух Умаров – ҳозирда 65 ёшда бўлиб, Худоёрхоннинг учинчи ўғли Сайид Муҳаммад Умарнинг набираси, Қўкон хони Сайид Муҳаммад Худоёрхоннинг чевараси.

² Султонов Ү.А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидай Тошканд” асари. Т., “Ўзбекистон”, 2009, 22 – 24-бетлар.

³ Эгамбердиев А., Амирсаидбеков А. История Кокандского ханства (Библиографический указатель с иллюстрациями XVIII век – 1876 г.). Т., “DAVR-Press”, 91-бет.

⁴ Қўкон шахар ўлқашунослик музейининг жорий архивидан.

⁵ Худойбердиев О. Из истории военного строительства и ликвидации контрреволюции в Средней Азии. М., “Наука”, 1984, 81-бет.

айнан мана шу тузум унинг бобоси Худоёрхоннинг давлатини қулатган, кейинчалик унинг яқинларини ҳам жисмонан маҳв қилган эди, аммо у буни юзага чиқара олмас эди. Қўқонни тарк этган собик хон Сайид Муҳаммад Худоёрхон Константинополдан ўғли Сайид Муҳаммад Аминбекка мактуб йўллайди, ушбу мактубда ўғлига руслар билан муросада бўлиб, улардан ҳарбий таълимни ҳамда тактикани, ҳарбий таълим сирларици ва давлат бошикарувини кунт билан ўрганишини таъкидлайди. Бу ўз юртидан олисдаги Сайид Муҳаммад Худоёрхоннинг давлат бошикаруви соҳасида йўл кўйган хато ва камчиликларидан чиқарган аччик хulosаси эди. Шу мактуб таъсириданми ёки бошқа сабаблими Сайид Муҳаммад Аминбекнинг Сайид Азаматбекдан ташкири Сайид Муҳаммад Нуриддинбек, Сайид Муҳаммад Темурбек, Сайид Муҳаммад Исломбек (баъзи манбаларда Усмонбек тарзида келтирилган, Москва ва Оренбург шаҳарларида ҳарбий соҳа ҳамда тилшунослик бўйича таҳсил олган) каби ўғиллари ҳам ҳарбий бўлиб этишганлар. Акалари Сайид Муҳаммад Нуриддинбек Петербургда, Сайид Муҳаммад Темурбек эса Александровск шахрида ҳарбий таълим олган.

Азамат Худоёрхоновнинг отаси Сайид Муҳаммад Аминбек, ҳатто 1912 йил 1 январда Россия императорининг Станислав ордени билан тақдирланган. Бу ҳакида “Туркистон вилоятининг газети”: “Бу эътирофга марҳамати олий неки, сабаби шулки Сайид Аминбек Худоёр ўғиллари бирор-бир подшоҳлик хидмати (хизмати – Р.Э.)ни ва ёки омма хидматини адо килиб турган бўлмасалар ҳам, беш нафар ўғил фарзандларини Русия аскарий мадрасаларига бериб, тарбият қилиб, ўқитиб, тўрт ул оддий аскария хидматларида таҳсил олум қилиб, Русия аскария хизматига киргизганларни сабаб бўлибди”, дея маълумот беради.¹

1917 йилда Россияяда юз берган ўзгаришлар вактида Азамат Худоёрхоновда большевиклар ҳукуматига нисбатан ишончсизлик кайфияти пайдо бўлади. 1918 йилда Россиянинг Екатеринбург шаҳрида большевиклар томонидан собик Россия императори Николай II нинг авлодлари қириб ташланади. “Халқлар доҳийси” В.И.Лениндан Ф.Колесовга ҳам Сайид Муҳаммад Худоёрхон авлодларини собик Россия императори Николай II авлодлари сингари жисмонан ўқотиш ҳакида буйруқ берилади. Бундан хабардор бўлиб қолган Осипов бу оиласа яқинлиги бўлганлиги боис Худоёрхоновлар оиласини огоҳлантирган ва натижада Худоёрхоновлар оила аъзолари мухожир сифатида четга чиқиб кетишга мажбур бўлишибди, фақатгина Ибн Яминбек тарк этишга улгурмасдан, большевиклар томонидан отиб ташланди. Ушбу воқеалар ҳамда Осипов исёнидан, Туркистон Мухториятининг конга ботирилишидан сўнг, унда большевиклар тузумига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлди. Аммо яшааш ва омон қолиш учун большевикларга бўйсунишга, улар билан муроса килишга мажбур бўлди.

Азамат Худоёрхоновнинг, кейинчалик, ҳарбий салоҳиятидан ўзбек отлиқ дивизияси таркибида Фарғона водийсида кенг кулоч ёйган қуролли қаршилик ҳаракати вакилларига қарши курашда ҳамда Ўрта Осиё кўмандонлик мактабида курсантларга таълим бериш учун фойдаланилди. У артиллерия отишмаси назарияси фанидан курсантларга таълим берган. “Туркистон Республикасида сафарбарлик ва аскарликка чакирув ҳакида”ги фармоннинг 1-бандига кўра, “Мобилизация (сафарбарлик) бўйича, Туркистон жумхуриятиnda доимий ҳамда муваққат яшовчи 20 ёшдан 40 ёшга кадар бўлган барча фуқаролар аскарликка чакирилиши белгилаб берилди. Бу фармонга кўра, фақатгина меҳнаткашлар синфиға мансуб ишчи ва деҳқон кизил армияси сафларига қабул килинганлар. Аммо бойлар синфиға мансуб бўлганлар уруш сафидан ташқаридаги ишларга олинади”, дея таъкидланди.² Аммо, аслини олганда, большевиклар ҳукумати пролетар синфи орасида етук ҳарбий билим, салоҳиятга, тажрибага эга бўлган кишилар кам бўлганлиги сабабли хон авлоди ёки

¹ Высочайшие награды. “Туркистон вилоятининг газети”, 1912 йил 12 январь, 4-сон.

² Туркистон жумхуриятида сафарбарлик эълон килюв тарнида аскарликка эълон чакирув ҳакида. “Иштирокион”, 1919 йил 24 май, 104-сон.

бойлар синфига мансубми, уларни ҳарбий иш ҳамда ҳарбий таълим бериш ишига жалб этишга мажбур бўлишиди. Азамат Худоёрхонов ҳам 1923 йилдан Туркистон ахолиси ҳарбий таълим олиши учун ташкил этилган Ўрта Осиё ҳарбий мактаби (ҳозирги Тошкент Олий умумқўшин билим юрти)да М.Ф.Мирбадалов, А.Қирғизов каби дастлабки ўзбек миллий ҳарбий кадрлари билан бир жамоада курсантларга артиллериядан дарс бера бошлайди. Аммо бу ерда унинг устидан ноҳак чакув бўлгач, Азамат Худоёрхонов ишдан кетишга мажбур бўлади ҳамда Политехника институтининг ҳарбий кафедрасида талабаларга дарс бера бошлайди.

Совет ҳокимиятининг катагонлик сиёсати авж олган вақтда Азамат Худоёрхонов 1937 йилда иккинчи маротаба қамоққа олинди ҳамда суд жараённида айбисиз эканлигини исботлай олди. Аммо қамоқхона шароити унинг соглигига жиддий салбий таъсир кўрсатмай қолмади. Азамат Худоёрхонов 1938 йил 50 ёшида сил (туберкулёз) касаллигидан қамоқхонада вафот этди. Ажабланарли томони шундаки, Азамат Худоёрхоновдан ташқари унинг 4 акаси ҳам терговга чакирилиб сўроқ килинади, терговдан сўнг эса негадир узок яшамайди. Балки, заҳарланган деган тахминлар ҳам бор. Сабаби совет мустабид тузуми катагонлик сиёсатининг асл мақсади нима қилиб ва қандай усусларни қўллаб бўлса ҳам, жисмонан маҳв қилиш ва йўқ қилиш эди. 1940 йилга келиб Азамат Худоёрхоновнинг факт бир акаси Сайид Исломбек (бу даврда у Францияда маслаҳатчи бўлиб ишлаётган эди) қолади, холос.

А.Худоёрхоновнинг шахсий ҳаёти ва оиласи ҳакида унинг ҳозирда ҳаёт бўлган амакивачаси Шоҳруҳ aka Худоёрхонов: “Амакимиз Азамат Худоёрхонов Водил қишлоғи (Фарғона вилояти Фарғона тумани)дан Ўғилхон исмли аёлга уйланган бўлиб, лекин фарзанд кўришмаган”, деган маълумотни берди.

Азамат Худоёрхонов шахси ҳакида Ф.Норхўжаевнинг “50 йил жанговар постда” помли китобида бир катор фактик маълумотлар келтирилган бўлса-да, Азамат Худоёрхонов исми шарифи нима учундир Азаматбек Антонович Худоёрхон тарзида берилган.² Китоб нашр этилган пайтда (1982 йилда) ҳам ноҳак катагонга учраган бир катор ўзбек миллий ҳарбий кадрлари катори Азамат Худоёрхонов шахсига нисбатан ҳам “халқ душмани” деган шубҳа билан караш ҳукмронлик килган ва совет ҳокимияти улар ҳакида ёритишга йўл қўймаган ёки оммани нотўғри маълумотлар билан чалғитишига харакат қилинган.

Шунингдек, бугунги кунда ҳалқаро тармоқ (интернет)даги бир неча вёб саҳифаларда Бухоро амири Амир Сайд Олимхоннинг ўғли генерал Шоҳмурод Олимов (1910–1985)³ ҳакидаги айрим узук-юлук маълумотлар билан бирга, Сайид Азаматбекнинг сурати Шоҳмурод Олимов сурати сифатида учрайди.

Хулоса қилиб айтганда, Сайид Азаматбек Худоёрхонов, гарчи совет ҳокимиятига тузум ва вазият тақазоси билан хизмат этган бўлса-да, ўзбек миллати орасидан етишиб чиқкан дастлабки профессионал миллий ҳарбий кадрларимиздан бири эди. Бугунги кунгагча Азамат Худоёрхонов билан боғлиқ архив хужжатлари илмий истеъмолга киритилмаган. Улар билан танишиш эса Азамат Худоёрхонов шахси ҳакида аниқ ва етарли даражада маълумотга эга бўлиш имконини беради.

¹ Ахборотчи Шоҳруҳ Умаров – ҳозирда 65 ёшда бўлиб, Худоёрхоновнинг учинчи ўғли Сайид Муҳаммад Умарнинг набираёи, Кўқон хони Сайид Муҳаммад Худоёрхоннинг чевараси.

² Норхўжаев Ф. 50 йил жанговар постда. Т., “Ўзбекистон”, 1982, 35-бет.

³ Наимов Н. Амирнинг зурриёти. Бухоро, “Бухоро” нашриёти, 1995.